

МАҚАСИД АШ-ШАРИЪАНИ ТУШУНИШ

Замонавий нуқтаи назар

UNDERSTANDING

Maqasid al-Shariah

A Contemporary Perspective



Musfir bin Ali al-Qahtani

(ШТ) «Китобларининг қисқача сериялари»

МАҚАСИД АШ-ШАРИЪАНИ ТУШУНИШ

ЗАМОНАВИЙ НУҚТАИ НАЗАР

Мусфир бин Оли ал-Қахтоний

Ванда Краузе томонидан қисқартирилган



Халқаро ислом тафаккури институти (ИИТ)

Бишкек 2022

УДК 297
ББК 86.38-6
М 91

Китоб ҳомийси:

Халқаро ислом тафакқури институти (ИИТ)

Херндон Виржиния АҚШ

Билимлар интеграцияси институти (ИКИ)

Гуржистон Тбилиси

Китоб муаллифи: Мусфир бин Оли ал-Қаҳтоний

Китобни ўзбекчага таржима қилган: Эшбоева Раҳат; – Б.: 2022

Китоб муҳаррири: Мирзахидова Муяссар

Ушбу китоб муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган. Нашриётнинг ёзма руҳсатисиз ҳамда лицензион шартномага асосланган қонуний истисно ва қондалардан ташқари, китобнинг бирон бир қисми нашр қилиниши мумкин эмас. Ушбу китобда билдирилган қарашлар ва фикрлар муаллиф ёки нашриётнинг фикрларини ақс эттириши шарт эмас. Ташқи ва хорижий web-сайтларда ношир URL манзилларнинг тўғрилиги учун жавобгар эмас ва бундай сайтлардаги материалларнинг аниқ ёки долзарблигига қафолат бермайди.

«Эҳсон Хайрия» жамоатчилик фонди томонидан нашр қилинган.

**Ушбу китоб Қирғизистон мусулмонлари диний идораси томонидан
тасдиқланган №66**

Мақасид аш-Шарийани тушуниш: замонавий нуқтаи назар (Uzbek)

Мусфир бин Оли ал-Қаҳтоний

ИИТ «Китобларининг қисқача сериялари»

© Халқаро ислом тафакқури институти (ИИТ)

1444 АН / 2022 СЕ

Paperback ISBN 978-9967-08-948-8

Understanding Maqasid al-Shariah: A contemporary perspective (Uzbek)

Musfir bin Ali al-Qahtani

IIIT «Books-In-Brief Series»

The International Institute of Islamic Thought (IIIT)

1437 АН / 2015 СЕ

Paperback ISBN 978-1-56564-669-8

IIIT

P.O. Box 669

Herndon, VA 20172, USA

www.iiit.org

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган

ISBN 978-9967-08-948-8

УДК 297

ББК 86. 38-6

Халқаро ислом тафаккури институтининг китобларининг қисқача сериялари

Халқаро ислом тафаккури институтининг китобларининг қисқача сериялари – бу институтнинг муҳим нашрларининг ихчам шаклда ёзилган, ўқувчиларга асл нусханинг энг муҳим мазмуни тўғрисида асосий тушунчаларни бериш учун яратилган қимматли тўпламидир. Қисқа, ўқиши осон, вақтни тежайдиган шаклда ёзилган ушбу қисқа хулосалар катта ҳажмдаги нашрнинг батафсил, пухта ёзилган шарҳини тақдим этади ва умид қиламизки, ўқувчиларни асл нусхасини ўрганишга ундайди.

«Мақасид аш-Шариъани тушуниш: замонавий нуқтаи назар» китоби, фикрини ислоҳ қилиш ва бу ислоҳотларни амалга оширишга, шунингдек, муқаддас матнларни тушунишнинг янги методологиясини ишлаб чиқишга қаратилган Ислом ҳуқуқининг энг олий мақсад ва вазифаларига энг мос келадиган ҳуқуқий туйғуни ривожлантиришга чақиради.

Муаллиф «*мақасиднинг*» турли даражаларини тушуниш, яъни Ислом ҳуқуқининг бирламчи мақсадларини «*ал-мақасид ал-аслийя*» (*al-maqāʿid al-aʿliyyah*) ва иккинчи даражали мақсадларини «*ал-мақасид ал-табиъа*» (*al-maqāʿid al-tābiʿah*) фарқлашнинг аҳамиятига эътибор қаратади. Ал-Қахтоний мусулмон жамиятларида шариат мақсадларини тўғри тушунишни, ижобий гуманитар ва маданий ривожланишни рағбатлантириши керак, деб таъкидлайди.

Ушбу асарнинг асосий қиммати шундаки, муаллиф энг олий мақсад ва вазифаларни диний аҳкомларни чиқариш ва қўйиш (*ифто*) каби ҳуқуқнинг турли соҳаларига, шунингдек, экстремизм, жиҳод, маъқулланганни рағбатлантириш ва танбеҳланганни тақиқ қилиш, ижтимоий ўзгаришлар, Исломий фикр инқирози, диний қарама-қарши ҳолларга қарши туриш, саломатлик ва дам олиш зарурати, фуқаролик ва миллат масалалари, Исломнинг уйғунлиги ва эстетик қадриятларнинг тарқалиши ва мусулмон аёлнинг жамиятдаги ўрни каби муҳим ижтимоий масалалар ва муаммоларга татбиқ этади.

Мусфир бин Оли ал-Қаҳтоний китоби асл нусхасининг қисқартирилган нашри

МАҚАСИД АШ-ШАРИЪАНИ ТУШУНИШ:

ЗАМОНАВИЙ НУҚТАИ НАЗАР

ISBN hbk: 978-1-56564-668-1

ISBN pbk: 978-1-56564-666-7

2015

МУҚАДДИМА

Бу асар «*Мақасид аш-Шариъа*» илмини замонавий эҳтиёжларга татбиқ этишга уринишдир. Бундай ёндашувни Ислом ҳуқуқи мақсадларини тушуниш зарурлигини назарда тутувчи «мақсадни англаш» деб белгилаш мумкин. Шундай қилиб, юзлашаётган воқеликлардан хабардор бўлиш ва уларга диққат билан қараш орқали биз мақсадли ўзгаришларни ва шаффоф ислохотларни амалга оширишимиз мумкин.

«*Мақасид*» тушунчаси бир қатор маъноларни ўз ичига олган «*мақсад*» сўзининг кўплик сони, шу жумладан: 1) Бирор нарсага интилмоқ, унга бормоқ, унга йўл олмоқ; 2) Йўлнинг тўғрилиги; 3) Адолат, мўътадиллик ва ҳаддан ташқари нарсалардан сақланиш. Демак, шуни айтиш мумкинки, *мақасид* – бу шариат ўз ҳукмларида нимага интилади ва мувозанатли ва мўътадил йўлида нима учун курашади.

Ислом қонунининг ҳар қандай буйруқ ёки қондасининг мақсади фойда олиш, зарарнинг олдини олиш ёки дунёни муайян ёвузлик ёки гуноҳдан озод қилишдир. Мухтасар қилиб айтганда, шариатнинг мақсади бахт-саодат келтириш, қонун ва тартибни сақлаш, инсониятни энг олий даражадаги камолот, фазилат ва цивилизацияга олиб боришдир. Ислом ҳуқуқининг ҳар бир унсури яхшиликка хизмат қилади. Унинг барча талабларининг мақсади фойда келтириш, зудлик билан ёки кечиктириш бўлиб, унинг барча тақиқлари ёмонлик ва зарарнинг олдини олишга қаратилган.

Қонунни ва унинг кўрсатмалари асосларини синчковлик билан кўриб чиқиш мақсадлари бу ҳаётда ҳам, охиратда ҳам инсоният фаровонлигига қаратилганлигини тасдиқлайди. Биринчидан, Қуръонда Аллоҳ Таоло *ал-Ҳаким* (донишманд) деб бир неча мартаба таъкидланади. Бу хусусият унинг барча қарорлари ортида муайян мақсадлар борлигини англатади. Иккинчидан, биз Қуръонда Аллоҳ раҳмли зот деб ўқиймиз. Аллоҳ Тао-

ло бандаларига яхшилик кўрсатишни хоҳлагани ва улар учун яратган, буюрган ва уларга фарз қилган нарсалари орқали шундай қилгани учун «меҳрибон» деб таърифланади. Учинчидан, Қуръон оятларида Аллоҳ бизга «фалон нарсани» «бундай сабабдан» қилганини айтади. Тўртинчидан, Қуръон ва Пайғамбар суннатларидан олинган кўпгина матнлар шариатнинг умумий ва ўзига хос мақсадларига ойдинлик киритади. Бу умумий мақсадлардан бири инсонни ҳаддан ташқари кўп бўлган қийинчиликлардан халос қилишдир. Бешинчидан, ҳар тарафлама фойда кўрсатувчи умумий матнлар мавжуд.

Мантикий исботлар ҳам бор. Биринчиси: доноликдан ва белгиланган мақсадлардан маҳрум бўлган қарорлар фақат нима қилаётганини билмайдиган ёки мақсадларга эриша олмайдиган зотдан келиб чиқиши мумкин. Бу, албатта, ҳамма нарсалар ҳақида билимга эга бўлган ва ҳамма нарсага қодир бўлган Зотга тааллуқли эмас. Иккинчиси: Худо доимо бандаларининг фаровонлиги ҳақида ғамхўрлик қилади, деб айтиш ягона тўғри йўлидир. Учинчиси: Қудратли Худо одамларга шахсий фаровонликка эришишга имкон берадиган кадр-қимматни ато этган. Тўртинчиси: маълумки, одатда тизим фойда келтириш ва зарарнинг олдини олишга қаратилган бўлмаса, демак, у муваффақиятсизликка учрайди ва на мужассам бўлишга ва на унгария қилишга лойиқ эмас.

«Мақасид аш-Шариъа»ни таснифлашда уч хил ёндашув мавжуд. Биринчи ёндашув Ислому ҳуқуқи таъминлаши лозим бўлган манфаатлар ёки фаровонлик турларига асосланади. Ушбу ёндашув шариатнинг учта мақсадини назарда тутаяди: 1. Энг муҳим «мақасид дарурийя» (*maqāsid darūriyyah*); 2. Зарур «мақасид ҳажийя» (*maqāsid ḥājiyyah*); ва 3. Такмиллашиш «мақасид таҳсинийя» (*maqāsid taḥsīniyyah*).

Энг муҳим мақсадлар – тўғри ҳаётни ва ҳақиқатан ҳам ҳаётнинг ўзини амалга оширадиган нарсалардир. Имом Ғаззолий, Ибн Абдул Шакур, Ибн ас-Субкий ва ал-Фаттуҳий (Ибн ал-Нажжор)

каби олимлар ушбу мақсадларни қуйидагича аниқладилар: дин, ҳаёт, ақл-идрок, насл ва мол-мулк. Ислом ҳуқуқи бу асосларни сақлаб қолиш учун мўлжалланган.

Зарур мақсадлар одамларни қийинчиликлардан озод қилиш учун мўлжалланган, чунки Ислом қонунчилигининг мақсадларидан бири – ноқулайликларни енгиллаштириш ва олдини олишдир, бу эса ибодат ва кундалик ҳаёт, ижтимоий ва молиявий муносабатлар, шунингдек, жиноий тартиб-қоидаларга ҳам тегишлидир. Бинобарин, булар шунчаки нарсалар, уларнинг йўқлиги ибодатдаги тўсиқлар ёки оддий ҳаётдаги баъзи қийинчиликларни келтириб чиқарадиган нарсалардир. Ўз-ўзидан равшанки, зарур мақсадлар аҳамияти жиҳатидан энг муҳимларидан, яъни «*мақасид дарурийя*»дан бир даража паст.

Тақомиллашиш мақсадлари инсоннинг яшаши учун унчалик зарур бўлмаган, аксинча унинг ҳаётини енгиллаштириш, осонлаштириш ва уни янада ёқимли қилишга хизмат қиладиган мақсадлар ҳисобланади. Мисол учун, шахслар томонидан ҳам, бутун жамиятлар томонидан ҳам юқори одоб-ахлоқ ва олижаноб хулқ-атворни ўзида мужассам этиши, одамлар ўзларининг ички фазилатлари ва турмуш тарзини яхшилашга интилишлари мумкин бўлган энг олий ҳаёт йўлига уринишни англатади. Шунга қарамай, агар бу содир бўлмаса, унда ҳеч ким азоб чекмайди ва қийинчиликларга дуч келмайди. Ислом ҳуқуқининг энг муҳим асослари зарур ва тақомиллашиш мақсадлар учун пойдевор бўлиб хизмат қилади.

«*Мақасид аш-Шариъа*» ни таснифлашда иккинчи ёндашув уларнинг аҳамияти ёки шошилиничи даражасига асосланади. Бунда мақсадлар икки турга бўлинади. Биринчиси бирламчи деб аташ мумкин бўлган мақсадлардан иборат, яъни «*ал-мақасид ал-аслийя*» (*al-maqāṣid al-aṣliyyah*) – улар Қонун чиқарувчисининг асосий вазифаларини ўзида мужассамлаштиради. Муҳим устуворликка эга бўлган *мақсад*, шубҳасиз, унчалик муҳим бўлма-

ган мақсадга қараганда муҳимроқдир. Биринчи гуруҳга алоҳида асослар «дарурийят айнийя» (*darūriyyāt 'ayniyyah*) ёки ҳар бир алоҳида мусулмоннинг вазифалари, яъни ўз динини, унинг назариясини ва амалларини ҳимоя қилиш ҳамда ўз жонини, ҳаётини ва ақлини ҳимоя қилиш киради.

Биринчи тур жамоавий асослар «дарурият кифаъийя» (*darūriyyāt kifā'iyah*) бўлиб, умматнинг жамоат манфаатларини ва жамоат тартибини ҳимоя қилишга қаратилган ҳаракатларни ўз ичига олади. Жамоавий асослар, масалан, етакчи лавозимларни эгаллаб, динни ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни тарғиб қилувчи шахсларнинг фаолияти орқали ҳам хусусий, ҳам жамоат соҳасида амалга оширилади. Бу тасниф асосида ажратиб кўрсатилган «Мақасид аш-Шариъа»-нинг иккинчи тури иккинчи даражали мақсадлар «ал-мақасид ал-табиъа» (*al-maqāšid al-tābi'ah*) бўлиб, бирламчи мақсадларга нисбатан улар ёрдамчи ҳисобланади. Шариатнинг иккинчи даражали мақсадлари бирламчи мақсадларни амалга оширишга қанчалик ҳисса қўшишига қараб, уч турга бўлинади. Биринчи тур бирламчи мақсадларни қувватлайдиган ва уларни жозибадор қиладиган мақсадларни қамраб олади. Бунга насл қолдириш (бирламчи *мақсад*) учун белгиланган никоҳ (иккинчи даражали *мақсад*) мисолдир.

Иккинчи турга бирламчи мақсадларни бекор қилувчи ва шу сабабли яроқсиз бўлган иккинчи даражали мақсадлар киради. Масалан, аёл биринчи эрига қайтиши учун кирадиган никоҳ «никоҳ ал-тахлил» (*nikāh al-tahlīl*) ёки вақтинчалик никоҳ «никоҳ ал мута» (*nikāh al mut'ah*) - иккаласи ҳам никоҳнинг асосий мақсадига: наслини кўпайтириш ва узоқ муддатли оилавий муносабатларни сақлаб қолишга зид келади.

Учинчи турга келсак, у бирламчи мақсадларга ҳисса қўшмайдиган ёки уларни бекор қилмайдиган иккинчи даражали мақсадлардан иборат. Ушбу тоифага, масалан, гарчи никоҳ давомийлигига таҳдид солса-да, унинг қисқа муддатига қафолат

бермайдиган бошқа томонга зарар етказиш, унинг мол-мулкига эгалик қилиш ва шунга ўхшаш кўриниб турган *мақсад* билан никоҳга кириш ҳолати киради.

«*Мақасид аш-Шариъани*» таснифлашга учинчи ёндашув Ислом ҳуқуқининг турли буйруқларини қай даражада қамраб олганлигига асосланади. Ушбу таснифда учта тури кўриб чиқилади: (1) Умумий мақсадлар «*Мақасид ал-амма*» (*al-maqāṣid al-ʾamma*); (2) Махсус мақсадлар «*Мақасид ал-хасса*» (*al-maqāṣid al-khāṣṣah*); ва (3) учинчиси, Жузъий мақсадлар «*Мақасид ал-жузъийя*» (*al-maqāṣid al-juzʾiyyah*). Умумий мақсадлар Ислом ҳуқуқининг барча ёки кўпчилик соҳаларида ўз аксини топган *мақсад* ва вазифалардир. Энг муҳим беш асосни, яъни *дин*, *ҳаёт*, *ақл-идрок*, *насл* ва *мол-мулкни ҳимоя қилиш* шариатнинг умумий мақсадларидандир.

Махсус мақсадлар муайян турдаги қарорлар ёки бир қатор чамбарчас боғлиқ кўрсатмаларни тавсифловчи мақсадлар ва вазифалардан иборат. Улар орасида ибодат ҳаракатларининг мақсадлари «*Мақасид ал-ибадат*», ижтимоий ва молиявий муносабатларнинг мақсадлари «*Мақасид ал-муъамалат*» ва жиноят қонунчилигининг мақсадлари «*Мақасид ал-жинаят*» киради. Бундан ташқари, диний қонунчиликнинг айрим соҳалари мақсадларини, масалан, диний маросим поклиги «*таҳорат*», савдо «*байъ*» ва бошқаларни киритиш мумкин.

Жузъий мақсадлар муайян масала ёки муаммо билан боғлиқдир. Агар умумий ва махсус мақсадлар шариатга ёки алоҳида соҳага тегишли барча ҳолатларга (*таҳорат*, жиноят ҳуқуқи ва ҳоказога) нисбатан қўлланилса, жузъий мақсадлар фақат маълум масалага ёки муаммога ёки алоҳида далилларга тегишли бўлиб, ундан Ислом ҳуқуқининг кенгроқ мақсади кўрсатилиши мумкин.

БИРИНЧИ БОБ

"Мақасид аш-Шариъани» тушуниш ва унинг ҳуқуқий ечимларни чиқаришнинг замонавий усуллари учун аҳамияти (ифто)

Мусулмонлар жамоати дуч келадиган ва ҳар доим ўзгариб турадиган вазиятларни ҳисобга олган ҳолда, муфтиларга, яъни фатво ёки Ислом ҳуқуқий буйруқларини чиқаришга ҳақли бўлган шахсларга доимий эҳтиёж мавжуд. Бугунги кунда фатволар чиқарадиган малакасиз шахслар сонини кўпайтириш ва муфтилар деб аталадиганларнинг осонликча пайдо бўлиш тенденцияси мавжудлиги сабабли, мен «Мақасид аш-Шариъа» асосида баъзи муҳим тушунтиришларни таклиф қиламан, чунки Ислом қонунчилигининг мақсадлари бевосита замонавий масалалар билан боғлиқ.

Ислом қонунчилигининг мақсади одамларга қийинчиликлар ва асосиз чекловлар қўймаслик ва уларга барча истак ва инжиқликларни тўлиқ қондириш эркинлигини қолдирмасликдир. Шунинг учун ушбу бобда бу қонун мусулмонлар ҳаётини қандай осонлаштиришини, шунингдек, бу эзгу мақсадни белгилаб берувчи тамойилларни ва ниҳоят, қарор қандай чиқарилиши кераклигини тушунтиришга ҳаракат қиламан. Шу тариқа, бу ҳаётда ҳам, охиратда ҳам қонун Худонинг бандаларига келтирадиган энг юқори фойдани кўрсатишга умид қиламан. Шундай қилиб, қуйидаги муҳокама мақасидга аниқлик киритади, чунки у шахс ва жамият даражасида янги пайдо бўлаётган воқеа ва вазиятларга фатволар бериш билан боғлиқ. Экстремизм ва ортиқча заифликдан сақланадиган мувозанатли ёндашув талаб қилинади.

Фатволар бериш жараёни жуда муҳим рол ўйнайди. Фатволарнинг мусулмонлар ҳаётига таъсири, моддий ва маънавий соҳа-

ларда кўрсатган кўрсатмалари ҳисобга олинса, уларни зиммасига олганлар бундай муҳим вазифага муносиб тайёр бўлишлари керак. Бу тез ўзгарувчан асрда ғалати нотўғри тушунчалар ва қийинчиликлар билан, бегона ёки кўрқинчли ҳодисалар, мураккаб низолар ва муаммолар билан учрашиб, одамлар муфтилар ва олимларнинг ёрдамига муҳтожлар. Муфтилар бажарадиган вазифаларнинг алоҳида аҳамиятини назарда тутиб, уларнинг иши қатъий тартибга солиниши ва уни енгил муомала қилувчилар қўлига топширилмаслиги ва уни тўғри бажариш шартларига риоя қилмаслиги муҳимдир.

Расулulloх (соллаллоху алайҳи васаллам) мусулмон жамоасини юкламаслик учун муайян амалларни бажаришдан сақланган. Бироқ, *Ифто* мактабида (Ислом ҳуқуқий ҳукмларини чиқариш жараёни) ҳаддан ташқари кўнгилчанлик ва соддалашувга интилувчи замонавий масалалар ёндашуви пайдо бўлди. Бу воқеликларда кўпгина ҳуқуқшунос олимлар динни янада жозибадор қилиш илинжида Ислом ҳуқуқий қарорларида максимал даражада кўнгилчанликка чақирадилар. Айрим ҳуқуқшунослар аниқ исломий матнларни менсимаслик ёки уларга на тилшунослик, на ҳуқуқий асосга эга бўлган изоҳларни беришда ортиқча енгиллик (*тайсир*) ва ён бериш (*ал-аҳд би ат-тараххус*) йўналишида муайян чегарадан чиқишларга гувоҳ бўляпмиз. Пайғамбар (соллаллоху алайҳи васаллам) жоҳилларга янги масалалар бўйича қарор қабул қилиш ёки Куръоннинг ўз тафсирларини таклиф қилишга рухсат бериш дин ва унинг издошларига тузатиб бўлмас зарар етказиши мумкинлигидан огоҳлантирган.

Шу кунларда «*ифто*»га икки қарама-қарши ёндашув кузатилиши мумкин: бири ўта қаттиққўллик ва эҳтиёткорлик билан белгиланган, иккинчиси эса ҳаддан ташқари енгиллиги билан ажралиб туради. Ҳаддан ташқари қаттиққўллик ва эҳтиёткорлик ёндашуви учта асосий хусусият билан тавсифланади: 1. Маълум диний тафаккур мактабига, муайян қарашларга ёки алоҳида олимларга нисбатан муросасиз мойил бўлиши; 2. Диний матнларнинг юзаки, сўзма-сўз талқинларига алоҳида со-

диклик; 3. «*Садд аз-зараъи*» тамойилига амал қилишда ҳаддан ташқари қатъийлик, яъни тақиқланган ҳаракатга олиб келиши мумкин бўлган ҳамма нарсани бартараф этиш.

Мурасасиз хатти-ҳаракатларнинг маҳсули диний фанатизмдир. Диний фанатизм инсоннинг диний талқин масалаларида ягона ва рад этиб бўлмайдиган ҳақиқатга эга эканлигига нотўғри ишонишига бориб тақалади. Ушбу эътиқод нотўғри тушунчани, ўзини ҳаммадан ғайритабиий даражада юқори кўйишни ва қарама-қарши ёки рақобатдош қарашларга эга бўлган ҳар қандай кишига нисбатан душманликни келтириб чиқаради. Бундай эътиқодга эга бўлган ҳуқуқшунос ёки муфти экстремистик методологиядан фойдаланади ва ўз нуқтаи назарини бошқаларга юклашга ҳаракат қилади, шунингдек, ўз фикрларидан фарқ қиладиган қарашларни ва тафаккур мактабларни қатъиян рад этади, гарчи улар кучли далиллар билан қўллаб-қувватланса ҳам.

Агар ҳуқуқшунослар қандай ҳаракатларга йўл кўйилишини кўрсатиб, ўзларининг қарорларида янада мослашувчан бўлишсалар, бу одамларга умумий тубсиз тақиқларни кўйишдан кўра яхшироқ бўлар эди. Мисол учун, Маккага зиёратга борувчиларнинг доимий равишда ўсиб бориши ва натижада оломон, ноқулайликлар ва ҳатто ҳалокатли тикилинчлар муаммосини келтириш мумкин. Бу ҳолат кўплаб олимларни бир қатор масалалар бўйича ўз қарашларини қайта кўриб чиқишга ва ҳатто одамларни қийинчилик ва ноқулайликлардан халос қилиш умидида ҳукмрон назарияларга қарши чиқишга олиб келди.

Масалан, 11-чи, 12-чи ва 13-зулҳижжага тўғри келадиган Қурбон ҳайитидан (Ийд ал-Адха) кейин уч кун давомида тош отиш маросими пешинда бошланиб, қуёш botгунча давом этади. Аксарият ҳуқуқшунослар қуёш botганидан кейин бу маросим бекорчи, деб ҳисоблашади. Шундай бўлса-да, бир қатор зехнли ва обрўли олимлар тошлар қоронғи тушгандан кейин ҳам отилиши мумкин, деган қарорга келишган, бу зиёратчиларни кундузи содир бўладиган тикилинч билан боғлиқ бўлган ноқулайликдан

халос қилади. Бундан ташқари, сўнгги йилларда фақат пешиндан кейин тош отиш маросимини бошлаш талаби билан юзага келган қийинчиликлар, кескинлик ва ноқулайликлар туфайли, ушбу маросимни пешиндан олдин, айниқса, 12-зулҳижжада Минани ташлаб чиқиб кетишга муҳтож бўлган зиёратчилар учун амалга ошириш имкониятини кўриб чиқиш учун яхши асослар мавжуд. Шуни унутмаслик керакки, ҳаж маросимлари, гарчи Пайғамбарга (соллаллоҳу алайҳи васалламга) тақлид асосида бўлса-да, иложи борича, зиёратчилар учун осон ва қулай бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам Пайғамбар саҳобаларининг ворислари орасида етакчи олимлар пешиндан олдин тош отишга рухсат этилганлиги ҳақида қарорга келишган, бу қарор Ҳанафийлик мазҳаби томонидан қабул қилинган. Замонавий ҳуқуқшунослар одамлар манфаати ва фаровонлиги учун ўзгарувчан ҳолатлар билан боғлиқ фатволар бериш керак эдилар.

Худди шундай, агар шарҳловчи хабарнинг моҳиятини ва асосий мақсадларини чуқурроқ англамасдан фақат диний матнларнинг юзаки маъносига таянса, у ҳолда унинг ҳаракатлари натижаси хато ва бузилган бўлади. Ислоҳ ҳуқуқи манбаларини шарҳлашнинг бу усулидан фойдаланиш натижасида кўплаб қонунга мувофиқ ҳаракатлар тақиқланди, илм олишнинг кўп йўллари тўсилди ва кўпчилик одамлар аниқ кўрсатмаларни бузганликда айбланиб, Исломдан чиқиб кетган деб тан олинди. Натижада, ноқулайликлар ва қийинчиликлар пайдо бўлади. Бу уларнинг издошлари ва бошқалар учун ҳам ҳаётни қийинлаштирган Хорижийлар ва Зоҳирийларнинг ҳаракатларга ўхшайди. «*Садд аз-зараъи*» тамойили бўйича қатъийлик кўпинча «*Мақасид аш-Шарифа*» билан аралаштирилади, чунки бу «маъқулланганни рағбатлантириш ва танбеҳланганни тақиқ қилиш» шариатнинг асосий тамойилларидан бирига мос келади. Бироқ, ушбу тамойилдан ортиқча фойдаланиш шунга ўхшаш муаммони келтириб чиқаради ва натижада ҳаёлий зарар манбаи унинг афзал бўлган фойдадан устун туради. Бундай вазиятда ҳуқуқшунос фойда эшигини ёпиши ва натижада шариат мақсадларига беихтиёр қарши чиқиши мумкин. Масалан, спиртли ичимлик

ишлаб чиқарилишидан кўрқиб, узум етиштиришни тақиқлаш ёки мумкин бўлган ноқонуний жинсий алоқадан кўрқиб, қўш-ниларнинг бир-бирига жуда яқин яшашларини ман этиш. Яна ўхшаш мисоллар: аёлларнинг уйдан ташқарида ишлашни тақиқлаш ёки судхўрлик билан боғлиқ бўлишидан кўрқиб, бутун банк тизимини ноқонуний деб эълон қилишдир. Бошқа томондан, соддалаштириш ва енгиллаштиришга бўлган ортиқча интилишни кузатамиз. Бу ёндашув куйидаги хусусиятлар билан тавсифланади: 1. Исломий ҳуқуқий матнларга зид бўлса ҳам, инсон манфаатлари (*маслаҳ*) тушунчасига асоссиз қарамлик; 2. Ён беришлардан (*руҳас*) ортиқча фойдаланиш ва турли мазҳабларнинг ёндашувларни аралаштириш; 3. Ислом ҳуқуқи кўрсатмаларидан ҳуқуқий оғиш.

Агар бир томондан «*маслаҳ*» билан матнли далиллар ва бошқа томондан олимларнинг келишуви ўртасида зиддият мавжуд бўлса, у ҳолда «*маслаҳ*»га кўпроқ аҳамият берилиши зарур. Бирок, баъзи замонавий ҳуқуқшунослар ва муфтилар «*маслаҳ*»га ортиқча эътибор беришади. Бу ҳатто уларнинг фатволари бевосита матн далилларига зид бўлишига олиб келади. Бунга мисол, Мисрнинг собиқ муфтиси томонидан банк фоизларини олиш жоизлиги тўғрисида чиқарилган фатво бўлса-да, бундай фоизлар судхўрлик сифатида танилган ва бу фатво аниқ матнли далилларга зиддир.

Бундан ташқари, Қуръон ва суннатда назарда тутилган енгилликлардан фойдаланишнинг ҳеч қандай ёмон томонлари йўқ. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам), ҳаттоки, Худо Ўзининг амрларига амал қилишимизни хоҳлаганидек, бизни Ўзининг ён беришларидан фойдаланишимизни истайди, деб айтганлар. Лекин, баъзи олимлар муайян талқинлар ва эклектик ёндашув асосида енгилликларга эга бўлиб, улар қайси бири энг юмшоқ ва энг қулай ечимини таклиф қилаётганига қараб, у ёки бу мазҳабдан фикрлари, шунингдек, у ёки бу олимнинг қарашлари билан ўзлаштиришни ўз ичига олади.

Қарорларни қабул қилиш масаласида турли фикрлар мавжуд. Агар бир *мужтаҳиднинг* нуқтаи назари бошқасининг нуқтаи назарига қараганда яхшироқ оқланса, унда биринчиси қабул қилиниши керак, чунки ишончли асос ва тартибга эга бўлмаган олимларнинг энгил фикрларини қабул қилиб бўлмайди. Шунинг учун, агар оддий одам танлаган муфти ёки *мужтаҳид* томонидан тасдиқланган ён беришларни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлса, *мужтаҳид* ёки муфти бу масала бўйича ўз тадқиқоти ва ижтиҳодига асосланиб, ўз фатвосини бериши лозим.

Баъзи олимлар, агар инсон чекланган шароитда бўлган тақдирда ва у фақат худбинлик истаклари ва инжикликларга эргашма-сагина, ҳар қандай олимнинг фикрини қабул қилиши мумкин деган қарорга келганлар. Баъзи олимлар оддий диндорлар учун ҳам энгилликка қаршидирлар. Ён беришларни излашга асосланган энгиллик методологияси инсоннинг истакларига бўйсунушига мойиллигини таъминлайди ва шариат сақлаб қолиш учун мўлжаллаган тартибни бузади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Ислом ҳуқуқи кўрсатмаларидан қонуний оғиш энгиллик ва ҳаддан ташқари соддалаштириш мактабининг яна бир ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Кўпгина замонавий муфтилар қонун нуқтаи назаридан тақиқланган ҳаракатларни маъқуллаб адашдилар. Бу насияга сотишнинг замонавий шакллари (*байъ ал-ина*), судхўрлик билан боғлиқ банк операциялари, одамларни закот тўлашдан озод қилишнинг алдов воситалари ёки қарзларни қайтармасликни оқлаш ва бошқалар учун қўлланилади. Буларнинг барчаси шариат томонидан қораланган қонуний фирибгарликнинг намуналаридир.

Шу билан бирга, қонуннинг мусулмонлар ахлоқий масъулиятини ва бу олижаноб мақсадни бошқарадиган тамойилларни энгиллаштиришга ёрдам берадиган йўллари мавжуд. Ушбу усуллар қарорни билим ва адолатга асосланган ҳолда таъминлашни ўз ичига олади. Бу эса олимларнинг ушбу масала бўйича бир-бирлари билан маслаҳатлашиб, уни диққат билан ўргани-

шларини талаб қилади. Олимлар, «*тайсир*» тамойилидан фойдаланган ҳолда, ҳуқуқий қарор қабул қилинадиган масалани аниқ ва атрофлича ўрганишлари лозим. Шу нуқтаи назардан, пайдо бўлган янги вазиятлар биз яшаётган вақтнинг табиатини акс эттиришини, бу эркин фикр алмашиш ва инсониятнинг турли муаммоларини ҳал қилиш учун мўлжалланган илмий-техник воситаларни ишлаб чиқиш билан белгиланади.

Олимлар қўллаб-қувватланиши ночор бўлган қарорларни қабул қилишда барча тегишли матнли далиллар ва амалдаги қоидаларга мурожаат қилишлари керак. Олимлар тақиқланган ҳаракатга тегишли муқобил таклиф қилишлари зарур. Муфти эълон қилган ҳар қандай тақиқ ортида оқилона мақсадни баён қила олиши ва тегишли ҳуқуқий муқобилларни кўрсата олиши лозим. Ҳуқуқшунос олимлар ижтиҳод ва ҳуқуқий ҳукмлар жараёнида Ислом томонидан тан олинган шахснинг қонуний манфаатлари ҳурмат қилинишини таъминлайдиган бир қатор етакчи тамойилларни аниқлаганлар. Ушбу тамойиллар муфтидан қуйидагиларни талаб қилади:

- (а) Инсон манфаатларини Ислом ҳуқуқининг мақсади деб ҳисоблаш;
- (б) Муайян масалага қизиқиш ҳеч қандай Исломий ҳуқуқий матнга зид эмаслигига ишонч ҳосил қилиш;
- (с) Кўриб чиқиладиган қизиқиш ҳеч қандай шубҳа туғдирмаслигини ёки, ҳеч бўлмаганда, унинг ҳақиқийлигига кучли далиллар мавжуд эканлигига ишонч ҳосил қилиш;
- (д) Бу қизиқиш ҳар томонлама эканлигига ишонч ҳосил қилиш;
- (е) Кўриб чиқиладиган масалага қизиқишни ҳисобга олиш бошқа манфаатларга нисбатан кўпроқ ёки тенг аҳамиятга эга эмаслигига таҳдид солмаслигини таъминлаш.

Ҳуқуқшунослардан ҳам қийинчиликни/зарарни йўқ қилиш то- мойилига (*рафъ ал-ҳараж*) роя қилиши талаб этилади. Яъни тегишли шахсга ўта қийинчиликларни келтириб чиқарадиган ҳеч қандай фатволар бермасдан «маънавий масъул шахсларни Ислом ҳуқуқи талаблари билан боғлиқ қийинчиликлардан озод қилиш». Ҳуқуқшунослар ва муфтилар Ислом кўрсатмасининг бундай қўлланиши кўзланган мақсадга эришадими ёки йўқ- ми деб ўйлашлари ва энгил қарор қабул қилишнинг кутилган оқибатларига эътибор беришлари шарт. Олимлар, шунингдек, энгил қарорларни қўллаш билан боғлиқ бўлган умумий қабул қилинган урф-одатларни ўрганишлари керак. Бу ерда қўллани- лаётган «урф-одатлар» сўзи «кишилар онгида илдиз отган, ақл ва феъл нуктаи назаридан мақбул ҳисобланган тушунча» деб таърифланади. Ниҳоят, олим бирор нарсани билмаслигини айт- ганида, бундай баёнотлар унинг мавқеини ҳеч ҳам камситмас- лиги лозим.

ИККИНЧИ БОБ

"Мақасид аш-Шариъани"

маданий таракқиёт йўли билан тушуниш

Узоқ вақт мобайнида инсоният цивилизацияси ва унинг ривожланишини ҳуқуқий ўрганишга (*фиқҳ ал-умрон*) етарли- ча эътибор берилмаган. Олимларнинг Ислом ҳуқуқий тизими мақсадларига қайтишлари, шунингдек, мусулмонларнинг ма- даният ва цивилизация ҳақидаги тушунчаларини яхшилаш ва уларнинг динига бўлган ишончини тиклаш учун бу мақсадлар асосида Ислом динининг амрларини қайта ўқишлари ҳаётий зарурдир. Цивилизация онги даражасини кўтариш учун биз ин- соният сифатида икки томонлама вазифани бажаришимиз за- рурлигини доимо ёдда тутишимиз керак: фақат битта Худога сиғиниш ва ерни тўлдириш ва ривожлантириш.

Бугун юзлашаётган бу соҳалардаги инқироз динимизни ва ҳақиқий диндорликнинг маъносини англай олмаслигимиздан, шунингдек, алоҳида мусулмонларнинг жамиятга аъзоликдан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларни тан ололмасликларидан келиб чиқади. «Онғ» (*ваъй*) атамасини «амалий даражада амалга ошириш учун зарур бўлган ҳар қандай нарсани мантиқий ва интуитив аниқ англаш» деб белгилаш мумкин.

Худо қурилиш, бойликлардан фойдаланиш, асбоб ва ускуналар ишлаб чиқаришда улкан ютуқларга эришган ва шу билан бирга Унинг буйруқларини очикдан-очик рад этган халқларни [яъни, Қуръонда тилга олинган Од ва Самуд қавмларини] қоралайди. Борлиқнинг ички томонига бепарволик ҳатто бу одамларни ҳалокатга олиб борди. Жамоат муассасалари яхлит инсон шахсини шакллантириш, шунингдек, мафкуравий, хулқ-атвор ва моддий ислоҳотлар орқали ахлоқий ва моддий тараққиёт ва янгиланиш жараёнларини тарғиб қилишдан иборат бўлган жамият олдида жавобгарликка эгалардир. Одамлар бу дунёда ўз ўрнини янада чуқурроқ англашлари лозим.

Жамиятларни таҳлил қилиш ва шахсий ва жамоавий ўзгаришларнинг сабабларни ўрганиш усули зарур ўзгаришлар ва ислоҳотларга кўмаклашиш, шунингдек, ижтимоий инқирозларимизни ҳал қилишнинг энг самарали воситаларидан биридир. Ибн Халдуннинг социология тушунчасига мурожаат қилганимнинг сабаби, у кузатган муносабатларга эътибор қаратиш ва жамиятдаги мавжуд салбий жараёнларни ва келажакнинг ноаниқлигини бартараф этиш учун уларни қандай қилиб амалий механизмларга айлантириш мумкинлигини аниқлашдир. «Ижтимоий тараққиёт ҳуқуқшунослиги»нинг мақсади ҳуқуқшуносликнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида ва тўғри ҳамда тегишли ҳаракатларга йўл кўрсатувчи жамоатчилик онги билан боғлиқлигини тиклашдан иборат. Ушбу турдаги ҳуқуқшуносликни тавсифловчи бешта муҳим томонлар мавжуд: 1) Худо одамларни Унга ибодат қилиш ва хизмат қилиш, шунингдек, ер юзиде фаровонлик яратиш ва тарғиб қилиш учун

яратди; 2) Ислом ҳуқуқининг асосий мақсадларидан бири бу ерни инсониятга фойда келтирадиган тарзда яшаш ва ишлов беришдир; 3) Ислом ҳуқуқи талабларининг баъзилари алоҳида мусулмонлар учун эмас, балки бутун мусулмонлар жамоасига, унинг аъзоларидан ҳеч бирини ортиқча қийнамасдан бутун жамоага фойда келтириш мақсадида мурожаат қилинади; Мусулмон аҳлига дунёнинг қолган қисми олдида ҳақиқатга гувоҳ бўлиш, сўзларда ҳам, амалларда ҳам меҳрибонлик кўрсатиш ва ҳар нарсада мўътадиллик йўлини тутиш вазифаси топширилди; Исломий мўътадил йўлга эргашиш, дунёвий, моддий фаровонлик учун ғамхўрлик ҳамда маънавий ва охират учун ғамхўрлик ўртасидаги мувозанатни англатади.

Ибн Халдун шундай деган: «Цивилизация – [ҳақиқий] тараққиётнинг лаънати». Бу моддий тараққиёт жамиятни шундай фаровонлик ва дабдабали даражага олиб чиқадики, у маънавий таназзул, парчаланиш ва миллатнинг барча бойликларини бир имтиёзли синф томонидан исроф қилиш ҳолатига тушади, оқибатда давлатнинг қулашига олиб келади. Инсон тараққиёти ҳуқуқшунослик – бу мусулмон жамоаларининг банк, тиббиёт, сиёсат ва инсон фаолиятининг бошқа соҳаларда ривожлангани учун зарур бўлган ҳуқуқий қарор қабул қилишга янгича ёндашувнинг бир қисмидир.

Мақсад қанчалик катта бўлмасин, уни амалга ошираётганлар ўз вазифалари ҳақида аниқ тушунчага эга бўлмаса ҳамда уларни тўғри билим ва кўникмаларсиз ўз зиммаларига олса, ҳеч қачон натижа яхши бўлмайди. Шунинг учун ҳам мусулмонлар орасида Исломнинг асосий ғояларини жонлантириш, сўнгра бу ғояларнинг онгларига янада мустаҳкам ўрнашиб олиши учун ишлаш ғоят муҳимдир. Бу Мадинада йирик цивилизацион ҳаракатни уйғотган Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи васаллам) роли эди, кейинчалик бутун дунёга тарқалган. Бу жараён Мусулмон дунёсида сўнгги бир неча аср давомида сустлашди. Шунинг учун инсон тараққиётининг ҳуқуқшунослигига асос солиш мақсадида биз мусулмонлар онгини уйғотишимиз, шу

билан уларнинг муҳотида ижтимоий ва маданий ўзгаришлар ва ислохотларни рағбатлантиришимиз лозим.

Инсон тараққиёти ҳуқуқшунослиги ҳақида мусулмонлар хабардорлигини ошириш жараёнининг учта бошланғич нуқтаси мавжуд. Биринчиси: Ислом қонунчилигининг мақсадлари ва улар ҳуқуқий меъёрлар билан қандай боғлиқлиги тўғрисида чуқурроқ тушунтириш, шунингдек, мусулмонларга ушбу мақсадлар динни яхлит расмини яратишда бу ҳаётда ва охиратда бахтга эришиш йўли сифатида ўрнини тушунишда ёрдам бериш зарур. Шу йўл билан, илоҳий буюкликни таъкидлайдиган, тўғридан-тўғри одамлар қалбига чорлайдиган ва уларни Яратувчига қаратадиган Қуръон оятлари устида мулоҳаза юритиш орқали Аллоҳга самимий сиғиниш, аниқ фикрлаш ва фидойликни рағбатлантиринг.

Кишиларга муайян ҳуқуқий қарорлар чиқариш ортида турган Ислом ҳуқуқи мақсадлари ҳақида маърифат тарқатинг. Бу қийинчиликлар ва ғоят муҳтожлик билан боғлиқ бўлган вазиятларда соддалаштириш тамойилини (*am-taysir*) қўллашни ўз ичига олади. Бундан ташқари, тақиқларга келсак, улар аста-секин жорий этилиши керак ва одамлар, айниқса ўзгарувчан эҳтиёжлар ва шароитларни ҳисобга олган ҳолда, тақиқланган ҳаракатга мақбул муқобиллар билан таъминланиши керак. Боз устига, Ислом сақлаб қолиш учун интиладиган беш муҳим кадриятлар асосида, яъни дин, ҳаёт, ақл-идрок, насл ва мол-мулк диний меъёрларни тушунтиринг.

Иккинчидан, санъат, табиий ва гуманитар фанларга кўпроқ эътибор бериш ва уларни Ислом ҳуқуқий таълимотининг турли соҳаларига сингдириш лозим. Исломнинг илм-фан, санъат ва маданиятга қўшган ҳиссаси унутилмаслиги зарур ва давом эттирилиши керак бўлган абадий ва бебаҳо меросдир. Диний уйғониш даврида яшаган ўтмишдошларимиз каби мусулмонлар ҳам Ислом нуқтаи назаридан конструктив, оқилона, инсон тараққиёти учун зарур бўлган воситалар билан қуролланадилар.

Учинчидан, одамларга бу сўз Худонинг каломида зикр қилинган маънода «гувоҳ» бўлиш нимани англатишини чуқурроқ тушунтириб бериш керак: «Шунингдек, сизларни одамлар устидан гувоҳ бўлишингиз ва Пайғамбар сизларнинг устингиздан гувоҳ бўлиши учун ўрта миллат қилдик...» (*Бақара сураси*, 2:143) Гувоҳ бўлиш бу гувоҳлик мавзусини яхши билишни ва бошқаларга ишончли далиллар ва исботларни тақдим этишни англатади. Гувоҳлик бериш хабарни аниқ етказа олишни ўз ичига олади.

УЧИНЧИ БОБ

Мақсадларни тушуниш ва диний экстремизм инқирози

Худо ўз бандаларига ато қилиши мумкин бўлган энг катта иноят бу иймон, сўнгра фаровонлик ва хавфсизликдир. Жамоат хавфсизлигини ҳимоя қилиш шариат қонунларининг энг муҳим мақсадларидан бири. Шу билан бирга бу мусулмон ҳукмдорининг энг муҳим мажбуриятларидан биридир. Бинобарин, жамиятдаги вазиятни беқарорлаштирадиган, унинг хавфсизлигини бузадиган ва мусулмонлар билан тинчлик битими тузган мусулмонларни ёки мусулмон бўлмаганларни қўрқитишга олиб келадиган ҳаракатлар инсониятга қарши жиноят ҳисобланади ва шариатнинг умумий мақсадига аниқ зид келади. Бундан ташқари, мутаассиблар ўзларининг хатти-ҳаракатларини ёки душманлик ва тажовузкорлик ҳаракатларини амалга ошириш учун таяниши мумкин бўлган муайян вазиятлар юзасидан ҳуқуқий қарорларни оқлаш учун ишлатилиши мумкин бўлган таниқли олимларнинг даъволари учун ҳуқуқшунослик бўйича асарларни диққат билан қараб чиқаётгани ҳам ташвишга солмоқда.

Бутун мамлакатларни беқарорлаштирувчи ва одамлар бехатарлигини хавф остига солувчи ҳуқуқий торликнинг уч тури мавжуд. Улар қуйидагича пайдо бўлади:

Шариатнинг умумий мақсадларини ҳисобга олмайдиган ва муайян қондани қўллаш билан боғлиқ оқибатларни ва қутилмаган ҳолатларни ҳисобга олмаган ҳолда нотўғри хулосаларга олиб келадиган Исломий ҳуқуқий матнларни кўриб чиқишга атомистик ёндашув;

Жиходнинг маъноси ва зарурлиги ҳақидаги муҳим саволларга жавоб бермаслик;

Ҳуқуқий қарорлар қабул қилишга нотўғри ёндашувлар, бу эса, ўз навбатида, бундай қарорларнинг нотўғри қўлланилишига олиб келади.

Кескинлик ёки инқироз пайтларида жамоат хавфсизлигини сақлаш зарурати ҳокимиятни қўшимча эҳтиёт чораларини кўришга мажбур қилиши, хавф манбалари деб ҳисоблаган нарсалари устидан назоратни кучайтириши ва қатъий тўхтатиш чораларини қўллаши мумкин. Бундай қадамлар, маълум бир жисмоний таҳдид жавобан қабул қилинган бўлса, самара бериши мумкин. Бироқ, мафкуравий эътиқодлар ва таъсирларнинг жанггоҳида ягона қуроли соғлом фикр, рад этиб бўлмайдиган далиллар бўлиб, булар на экстремизм ва на заифлик билан ажралиб турадиган мўътадил, адолатли диний тушунчалардир.

Айрим мусулмон жамиятларига путур етказаётган мафкуравий инқироз диний, сиёсий ва ижтимоий масалаларга нисбатан ҳаддан ташқари қарашларни келтириб чиқарди. Бундай ҳолатларнинг сабаблари жуда кўп, лекин уларнинг энг аҳамиятлиси шундаки, исломий ҳуқуқий матнларни тўғри тушунмаслик ва жиҳодга нисбатан шариат мақсадларини билмаслик, шунингдек, маъқулланган нарсаларни рағбатлантириш ва мазаммат қилинган нарсаларни тақиқлаш жараёнининг моҳиятини бил-

масликдир. «Замонавий» жиҳод саъй-ҳаракатларига оид шариатнинг нуқтаи назаридан шуни таъкидлаш керакки, бугунги жиҳод кўп жиҳатдан қонунийликка эга эмас ва озодлик йўлида фойда бермайди. Аслида улар азоб-уқубатларга сабаб бўладилар.

Жиҳод – бу тажовузга қаршилик кўрсатиш учун ишлатиладиган диний ҳуқуқий атама. «Жиҳод» атамасининг мазмуни ва унинг қонуний ишлатилиши уч ҳарфли j-h-d илдизига асосланган бўлиб, у иймон хабарини тарқатиш ва одамларни уни қабул қилишга таклиф қилиш учун ҳаракат ва интилишнинг маъносини англатади. Шундай қилиб, жиҳод динни асраш, унинг хабарини етказётганларни ҳимоя қилиш, мусулмон ҳудудларини ҳимоя қилиш ва тажовузкорларга қарши кураш воситаси сифатида қонунийлаштирилди.

Тинчлик жиҳоди тушунчаси ва амалиёти хавфсизлик ва барқарорлик ривожланаётган бeнуқсон жамиятни қуришнинг муҳим воситаси бўлиши мумкин. Жиҳодни, аслида, қандай бўлишини тушуниш ва амалга ошириш мураккаб, Ислом маъносиз инжиқликларга, зулмга ва фойдасиз урф-одатлар билан турмуш тарзига қарши курашда илгари сурган ислоҳотлар лойиҳасининг ажралмас қисмидир. Бинобарин, бундай тушунчанинг етишмаслиги туфайли мусулмонлар ҳақиқатга гувоҳ бўлиш ўз бурчларини адо этишлари учун зарур бўлган маънавий куч етишмайди.

«Маъқулланган нарсаларни рағбатлантириш ва мазаммат қилинган нарсаларни тақиқлаш» тамойили хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ҳам яққа, ҳамда жамоа даражасида аниқ фойда келтирадиган ҳалол хулқ-атвор меъёрини қабул қилишда муҳим роль ўйнайди. Ушбу амалиёт жамоавий мажбурият (*фарзи кифоя*) сифатида қаралиши лозим, гарчи у ҳам шахсий масъулиятга (*фарзи айн*) айланиши мумкин. Ушбу тамойилни ёдда тутган ҳолда, талқин масалалари танқидга учрамайди. Ўзгариш фақат вазият талаб қиладиган нарсалар билан чеклани-

ши керак. Ҳар қандай ҳолатда ҳам мўмин қалбидаги ёвузликдан нафратланиши зарур. Сўз ва ҳаракатлар орқали ўзгаришларнинг қай даражада бўлиши қобилият ва шароитга боғлиқдир. Бирор киши таъқиб қилиш ёки бошқа бирон бир зарар етказилишидан қўрқиб, фазилатни тарғиб қила олмаслик ва иллатни рад эта олмаслик мумкин. Агар яхшиликни буюриш ва ёмонликни ман қилиш борасида иккита рақобатчи қараш мавжуд бўлса, ва улардан бири фойдасиз эканлиги маълум бўлса, у ҳолда уни кўриб чиқишдан чиқариб ташлаш лозим.

Шариатнинг пировард мақсадлари, Ислом тарихи давомида ўз раҳбарларига қарши исён кўтарганлар камдан-кам ҳолларда шундай қилган мақсадларига эришганини ҳисобга олиб, қуролли кўзғолонлар зарурлигини истисно этади. Бу ҳеч қандай тарзда инсоннинг пайдо бўлган ҳолатидан мамнун бўлиши керак дегани эмас. Аксинча, бу икки мушкул аҳволдан енгилроғини танлашни англатади. Сабр ва матонатни кўрсатиб, мулойимлик билан насихат қилиш яхшироқдир.

ТЎРТИНЧИ БОБ

Мақсадларни тушуниш ва унинг мусулмонларнинг тафаккур тарзига таъсири

Мусулмон тафаккур тарзини тушуниш ва унинг таназзул сабабларини ўрганиш жуда муҳим. Бундан ташқари, постмодерн ва дунёвий инсонпарварлик фалсафасига асосланган нарсаларни тушунтиришдан кўра, мусулмон жамиятига мос бўлган воситаларни қўллаш методологиясига бўлган зарурлигини ҳам ўрганиш ғоят муҳимдир. Тадқиқот мусулмон мулоҳазаларини таҳлил қилиш ва ижобий ўзгартишларга эришиш учун замонавий жамиятда юз бераётган ўзгаришларга қанчалик муносиб

бўлишини баҳолашни ўз ичига олиши лозим. Ислом ҳуқуқий қарорларини қабул қилиш ва шакллантириш жараёнида «*мақасид*»га мурожаат қилиш зарур.

Тадқиқотчилар мусулмон жамоаларига салбий таъсир кўрсатган мусулмон тафаккур тарзининг функционал бузилишларини аниқлаш ва ўрганишга ҳаракат қилдилар. Мусулмон тафаккурининг ачинарли ҳолати илоҳий ваҳий ва инсон талқини, Ислом ҳуқуқи ва инсон урф-одатлари ва ниҳоят, рационаллик ва субъектив тажриба ўртасида мавжуд бўлган ўзаро алоқа билан изоҳланади. Қуръон ва суннатни тушунишнинг анъанавий воситалари тасаввуф талқинлар ва фалсафий далиллардан таъсирланган. Буларнинг барчаси – мавҳум диний баёноتلар атрофидаги самарасиз низолар билан, муайян ҳуқуқий далиллар ва фалсафий мактабларга қатъий ишқивозлик билан, сиёсий зулм билан, худбин манфаатларнинг тарқалиши ва ҳокимият учун кураш билан бир қаторда – мусулмон жамоасининг ҳақиқий ютуқларга эришиш қобилиятини анча заифлаштирди. Бундан ташқари, баъзи олимлар, Қуръон ва суннатнинг аниқ матнларига ёки бу икки манбадан олинган ҳуқуқий тамойилларга содқликка бегона бўлган, эпистемологик воситалари ва дунёвий ақлий муҳитнинг тадқиқот усулларидан фойдаланадилар.

Мусулмон тафаккур тарзининг таназзулга учраши сабабларини ҳисобга олган ҳолда, мен мақсадга мувофиқ методологиядан фойдаланишнинг энг яхши йўли деб ўйлайман. Умид қиламанки, бундай методология мусулмонларнинг фикр ва мулоҳазаларни жонлантиради. Биринчидан, «*Мақасид аш-Шариъа*» методология сифатида Ислом ҳуқуқининг барча тармоқларини маросимлар, урф-одатлар, ижтимоий ҳаёт, ҳуқуқий жиҳатлар ва бошқалар даражасида боғлайди. Иккинчидан, «*Мақасид аш-Шариъа*»ни умумбашарий, ҳар томонлама тамойиллар мажмуи сифатида кўриб чиқиш дунё ҳақидаги ғояларни ташкил этиш ва инсон мавжудлигининг ҳақиқий мақсадларини, шу жумладан, керакли ҳаёт тарзи ва бошқа одамларга, ҳаёт шариитларига ва коинот қонунларига бўлган муносабатни тушун-

тиришга имкон беради. Учинчидан, ҳар бир инсон ўзлари учун ҳеч қандай моддий фойда олмасдан, бу Кучга итоат қилиш ва Унинг буйруқ ва тақиқларига бўйсунуш учун оламда Олий Куч излашга туғма мойиллиги бор. Бу инсон ва илоҳий, дунёвий ва самовий ўзаро таъсири қонунидир.

Тўртинчидан, «*Мақасид аш-Шариъага*» оид асарларни ўрганиш шуни кўрсатадики, уларнинг муаллифлари жамиятни диний ва ижтимоий ислоҳ қилиш, Ислоом ҳуқуқининг умумбашарий тамойиллари билан алоқани тиклаш ва янги ҳолатлар муносабати билан ҳуқуқий тадқиқот ва ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида роль ўйнашга хизмат қилганлар. Бешинчидан, бугунги кунда мусулмон жамоасини энг муҳим нарсалардан чалғитадиган ва уларни ижодкорлик ва яратиш қобилиятидан маҳрум қилаётган тарқоқлик, заифлик ва жаҳолат Ислоом ҳуқуқининг умумбашарий асосий тамойиллари ва мақсадларини жонлантириш учун зудлик билан аралашувни талаб қилади. Олтинчидан, мусулмонларнинг фикрлаш усулларини тўғрилаш бизни ҳар қандай ҳаддан ташқари ҳолатга тушиб қолишимиздан сақлайдиган, оқилона тамойилларга оид билим берадиган, шунингдек, пуч хаёллар, чайқовчиликлар, асоссиз таълимотлар ва далилсиз ҳукмларни ажрата олиш қобилиятини таъминлайдиган «*Мақасид аш-Шариъа*» катта эътибор беришни талаб қилади.

Ислоом рационализм ва унинг замонавий фалсафага таъсири ҳақида баҳслашар экан, шуни таъкидлаш керакки, материализм ва натурализмнинг ақлий юксалиши энг юқори даражага етган, шундан сўнг у қулашга маҳқумдир. Дарҳақиқат, айрим замонавий файласуфларнинг фикрича, рационалистик, дунёвий, инсонпарвар, материалистик мафқуранинг қулаши муқаррар. Деконструктивизм фалсафасининг тарқалиши рационализмни танқид қилиш оловига ёғ қуйди ва унинг ўлимини яқинлаштириб, барча одатий маъноларга ва далилларга ҳалокатли зарба берди. Жак Деридда, Мишель Фуко ва бошқа Ғарб мутафаккирлари постмодерн фалсафасини ҳар қандай маънодан озод қилувчи инсоният тарихининг постструктуралистик босқичининг

бошланишини белгилайдиган деконструктивизм назариясига ўз хиссаларини қўшганлар.

Постмодернизм фалсафаси диний ва метафизик мулоҳазалардан хабардор эмас. Постмодернизм фикрича, коинот фақат манбасиз ёки мақсадсиз доимий ҳаракатдаги материядан иборат бўлиб, ҳақиқат, аниқлик, моҳият каби сўзларнинг ва идеалистик боисларнинг ишлатилиши коинот ҳақидаги асоссиз метафизик ғояларга қайтишни эргаштириб боради. Ҳеч қандай марказий умумий тартиб йўқ, фақат кичик ёпиқ тартиблар мавжуд – ҳар бири ўз-ўзидан ва ўзи учун. Постмодернизм рад қилиб бўлмайдиган факт сингари нарсани тан олмайди. Аксинча, ўзларининг эътиқодларини танлайдиган, қанчалик ғалати ёки адашувчи бўлмасин, одамлар ўзлари томонидан тузилган фактлар мавжуд. Постмодернизм фалсафасидаги ахлоқ – бу мутлақ кадрят эътиқодининг мавзуси ёки ҳар қандай маданий ва диний келишувга асосланиб, ҳамма ҳисобга оладиган стандартлар тўплами эмас. Аксинча, постмодернизм ахлоқи жамият устидан назорат вазифасини бажарадиган одамлар ёки муассасаларнинг манфаатлари билан белгиланадиган хавфсизлик, иқтисодиёт, оммавий ахборот воситалари ва бошқалар каби маълум соҳалар билан чекланган вақтинчалик келишувларга асосланади.

Постмодернизм сиёсати умумий капитализм томонидан эълон қилинган янги дунё тартибига ҳисса қўшди. Вазифа мамлакатларни сиёсий элиталарни инвестицион ҳамкорларга ва аҳолини истеъмолчиларга айлантириш орқали кўп миллатли корпорациялар учун ва молларнинг импорти учун чегараларни очишга ишонтириш эди. Бу демократик тараққиётга ва диний, маданий ва миллий ўзликка путур етказди. Постмодернизм фалсафасининг бу жиҳатлари араб ва мусулмон маданияти ва тафаккурига чуқур таъсир кўрсатган. Бу фалсафа ва сиёсат доирасида ўқувчиларнинг инжиқликларига мос равишда Куръон матнларини кўриб чиқиш ва қайта талқин қилишга уринишлар қилинган. Бу фалсафа нуқтаи назаридан, суннат биздан фарқ қилмайдиган одамларнинг сўзлари ва ҳаракатларига асосланганлиги ёки

Пайғамбар (соллаллоху алайҳи васаллам) ва унинг саҳобалари замонида шароит бизникидан жуда фарқ қилиши баҳонасида изчил йўқ қилиниши керак эди. Энди ақлнинг туб ўрни сўроқ қилинаётган бир пайтда соғлом мусулмонлар тафаккур тарзини шакллантириш жараёни учун бу ютуқларнинг аҳамиятини ойдинлаштириб олишимиз қолди.

БЕШИНЧИ БОБ

Мақсадларни тушуниш инқироzi ва унинг жамоат ҳаракатларига таъсири

Ислом ҳуқуқи мақсадларининг маргиналлашуви айрим вазиятларда ўта қаттиққўллик ва бошқаларда ҳаддан ташқари юмшоқлик келтириб чиқарди ҳамда тахмин қилинган фойдалардан анча устун турадиган ёмонликларга олиб келди. Қуйидаги мунозара бу масалани кўриб чиқади ва онгни уйғотиш усулларини англатади ҳамда диний уйғониш диний ортиқчасига қарши туриши, севги ва уйғунликнинг тарқалишига қандай хизмат қилиши мумкинлигини кўрсатади, шунингдек, гўзаллик ва эстетиканинг мақсадга мувофиқлигини кўришга ва жамоада муслима аёлнинг ролини кадрлашга ёрдам беради. Мафкуравий экстремизм жамият учун хавф туғдиради. Диний ортиқчасига қарши туриш учун уйғониш ҳуқуқшунослиги ва цивилизация ривожланишининг тарқалишига устувор аҳамият берилиши керак. Шу тариқа, экстремизм ва у вужудга келтираётган инқирозни енгишга уриниш учун бизнинг маълумотли элиталаримиз назарий қарашлар ва вақтинчалик ечимларни илгари суриш учун фил суягидан ишланган минораларида ёпилиш ўрнига, турли илғор усулларига таяниб, янги ҳуқуқшуносликни тарғиб қилиш вазифасини ўз зиммаларига олишлари лозим.

Масалан, бўш вақт ва спортга нисбатан мусулмон фикрида ўта эҳтиёткор нуқтаи назар устунлик қилади. Бироқ, одамлар ҳаётига тегишли бўлган оқилона қонунларни ишлаб чиқиш мақсадларидан бири тақиқланган нарсаларнинг ўрнини босадиган рухсат берилганларни тақдим этишдир. Ўзимизда қабул қилинган айрим чекловларнинг мақсадга мувофиқлигини улар билан боғлиқ ҳаракатлар Ислоҳ қонунлари томонидан аниқ тақиқланган бошқа ҳаракатларга олиб келишдан қўрқиши сабаби шошилиш равишида қайта кўриб чиқишимиз зарур. Бунга, масалан, эркаклар ва аёллар учун ҳар хил спорт турлари, санъат, хоббиларнинг барча турлари, ўқув ўйинлари, саёҳат, сайёҳлик ва бошқалар тааллуқлидир. Дарҳақиқат, Пайғамбаримизнинг суннатлари турли хил бўш вақт ва дам олишни рағбатлантирмоқда. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳабашларга ўз масжидида спорт билан шуғулланишга, икки қизга Ойшага (розияллоҳу анҳо) кўшиқ айтишга, кўғирчоқлар билан ўйнашга рухсат берган, дам олиш, ҳазиллаш, югуриш ва бошқа ўйин-кулгиларга рухсат берган. Буларнинг барчаси шуни кўрсатадики, жиддийлик, ақлий ва жисмоний куч ишлатиш ва кураш билан бир қаторда бизнинг динимиз ҳар қандай бўш вақт, завқ ва дам олишни хуш кўради.

Экстремизмга қарши курашиш фуқароларнинг ватанпарварлик туйғусини жонлантириш ва мустаҳкамлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Биз одамлар онги ва қалбига уларнинг мавжуд бўлишининг энг буюк мақсади ҳақида аниқ тушунчани сингдиришимиз керак ва бу *мақсад* – Аллоҳга ибодат қилишдир, токи бу хабар ва эътиқод уларнинг қандай яшашига таъсир қилсин. Биз Худо инсониятга ўзининг охириги хабарини очиб берадиган жой ва барча мусулмонлар ҳар куни ибодатда айланишлари керак бўлган жой сифатида танлаб, ҳурмат қилган уларнинг руҳий марказига тегишли одамларнинг туйғусини мустаҳкамлашимиз ва чуқурлаштиришимиз керак. Бундан ташқари, фуқаролар ҳаётини ва давлат масалаларини тартибга солувчи қонунларни қабул қилиш ҳамда тегишли давлат сиёсатини олиб бориш зарур. У, қонунлар билан бир қаторда, жамиятнинг

тараққиёти учун зарур шарт бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ижтимоий тамойилларни ўз ичига олади. Ватанпарварлик тафаккурини ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири таълим муассасалари ва оммавий ахборот воситалари томонидан шахс ва жамоа даражасида онгни тарбиялаш вазифаларини бажаришдир. Таълим муассасаларимиз шахс феъл-атворини шакллантириш бўйича ягона самарали чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиши, унга шу цивилизацияга дахлдорлик ҳиссини уйғотиши лозим.

Севги ва меҳр-муҳаббатнинг изҳорлари жуда камайди. Кўпгина одамлар учун меҳр-муҳаббат жамиятнинг бошқа аъзоларига тўлиқ ташқи бефарқлиги билан фақат энг яқин доирагача чекланган. Энг характерли мисол – трайбализмдир. Аини пайтда, баъзан энг яқин, эр-хотин, болалар, ака-ука ва опа-сингилларга бўлган сеvgи ҳам сўз ёки амал билан намоён бўлмайди. Дарҳақиқат, кўплаб вайрон қилинган оилаларнинг асосий сабаби – хотинлар ва қизларга бўлган сеvgининг етишмаслиги ёки унинг намоён бўлишнинг йўқлиги.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ўз набиралари Ҳасан ва Ҳусайнни масжидга кирганларини кўргач, минбардан тушиб, уларни кучоклаб, ёнокларидан ўпишга шошилган Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи васаллам) чуқур туйғусига қандай қойил қолмаслик мумкин. Унинг ҳайвонлар ва ҳатто жонсиз нарсаларга бўлган муҳаббат изҳорлари ҳам шунчалик ҳаяжонли. Шундай қилиб, Ухуд тоғига кўтарилиб, у шундай деди: «Мана, бизни севадиган ва биз сеvgан тоғдир». Албатта, Аллоҳ гўзалдир ва У гўзалликни севади». Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бу баёноти мусулмонларни Аллоҳнинг иродасига кўра, коинотга сингдирилган гўзалликни кўришга, уни ўзларида ўстиришга ва атрофда йўқдек туюлганда, ақли кўзлар билан тафаккур қилишга чақиради. Инсон гўзалликни қанчалик кучли ҳис этса, унинг фикр ва хатти-ҳаракатларида шунчалик аниқ акс этади, унинг воқелик ва коинот қонун-қоидалари билан уйғун яшаш қобилияти шунчалик кучаяди.

Ўзгариш ва ўзгартиришдаги гўзалликнинг ўрни ислохот ҳаракатларида, хусусан мусулмонлар томонидан эътиборсиз қолдирилган, бунга санъат ва шахсий тажрибалардан воз кечиш, эстетик тарбияга қаратилган ҳаракатларнинг етишмаслиги далолат беради. Гўзаллик ва мукамаллик илоҳий сифатлар сирасига кирганлиги сабабли, Аллоҳ ўз раҳматининг натижаларини ва яратилишининг гўзаллигини кўришни яхши кўрар экан, Ислом қонуни ва ақл-идрок барча ишларимизда Худонинг режасининг ҳайбатини намоён қилишимиз лозимлигини тақозо этади.

Шариат бизни ўз вазифаларимизни тўғри бажаришимиз, гигиена қоидаларига риоя қилишимиз ва назокат билан кийинишимиз учун ҳам ғамхўрлик қилади – буларнинг барчаси ташқи гўзаллик Ислом қонунларининг мақсадларидан бири эканлигидан далолат беради. Мусулмонларнинг яратилиш гўзаллигини, у қаерда бўлишидан қатъий назар, осмонда, юлдузларда, тоғларда, ҳавзаларда, ўсимликларда ва ҳайвонларда, кузатиш ва ундан баҳраманд бўлишлиги айтилса, бошқача бўлиши мумкинмиди. Гўзаллик ёқимли хулқ-атворга ўз ҳиссасини қўшади, феълни яхшилади, қаттиққўлликни юмшатади ва унга мослашувчанликни беради. Шу билан бирга, у ҳар қандай шароитда ҳам яхшилиқни, қадр-қимматни одамларда излаб топиш, уларнинг хато ва камчиликларига қарамаслик истагини кучайтиради. Гўзалликни севадиган киши ўзини заиф ва камситилган бўлишига йўл қўймайди, хушомадгўйликни хоҳламайди, ҳаёсизликка тоқат қилмайди.

Аёллардан кенг ташқи кийим кийишни талаб қилиш керакми, уларга машина ҳайдашга, маҳрамсиз (яъни улар ўртасида никоҳ эҳтимоли истисно қилиш учун етарли даражада яқин бўлган эркак қариндошисиз) саёҳат қилишга рухсат бериш керакми ва бошқа масалаларга эътибор қаратадиган аёллар билан боғлиқ ҳуқуқий масалалар атрофида ҳуқуқшунослик юзага келганини кўриб чиқиш муҳимдир. Бу масалалар муҳимлигига қарамай, уларга аёлларнинг турли ҳуқуқлари, уларнинг тараққиётдаги ўрни ва давлат муассасаларида иштирок этиши каби етарли

эътибор берилмайдиган мухимоқ нарсаларга устувор аҳамият берилмаслиги лозим. Бу ҳодиса муслима аёлнинг ролини чеклаб, унинг салоҳиятига путур етказди. Биз мудофаадан ҳужумга ўтишимиз, бутун дунё учун муҳим аҳамиятга эга бўлган соҳаларда янги истиқболларни очадиган ривожланиш лойиҳаларига қўшилишимиз керак. Боз устига, ўқимишли мусулмон аёлларнинг сезиларли қисми кўплаб ривожланиш ташаббусларига тўсқинлик қиладиган ҳақиқий фикрлаш ва танқидий таҳлил қилиш учун чекланган имкониятларга эгалар. Аслида, биз жамиятда аёлларни кўпроқ таниқли ролларни тарғиб қилиш лойиҳаларда қўлланилиши мумкин бўлган амалий ғоялар натижасида, асл шариат ва унинг ҳар томонлама мақсадларга муурожаат орқали уйғониш кўриш учун умид қиламиз. Назарийтчилар фил суягидан ишланган минораларидан чиқиб, эркинлик, адолат, тенглик, тиклаш ва цивилизация тушунчаларини ривожлантиришнинг ҳақиқий ижодий ишларига қўшилишлари вақти келди.

ХУЛОСА

Шу нуқтада муайян саволлар пайдо бўлади. Нега мусулмонлар динимиз тан олган қадриятлар билан таққослаганда янги ғояларнинг мақбуллигини ёки қабул қилинмаслигини белгилайдиган ижтимоий ва фалсафий таҳлилларга асосланган замонавий инқирозда янги ғоялардан ёки ёрдам беришнинг объектив усулларидан бунчалик қўрқишади? Нима учун доим биз мутафаккирни динга қарши исён қилиб, мусулмонларга қарши фитначи сифатида, айниқса, баъзи атеист мутафаккирлар Исломга қайтиб, замонавий рационализмни рад этганларида идрок қиламиз? Айрим мутафаккирларнинг салбий тарихий қиёфаси бизни дунёнинг бошқа қисмларида қўлланилган ва умуминсоний қадриятларга асосланган, албатта, эътибор ва амалга оширишга муносиб бўлган ўзгариш назариялари ёки ислохотлар лойиҳаларининг афзалликларидан нафратлантирадими?

Бу мавзудаги қўшимча тадқиқот ва мақолалар кенг жамоатчиликка «*Мақасид аш-Шариъани*» яхшироқ тушуниш ва қўллашга, ҳуқуқшуносларга эса бу тушунча асосида уларнинг амалиётида юзага келадиган вазиятларни кўриб чиқишига ёрдам бериши лозим. «*Мақасид аш-Шариъа*» Ислом динининг барча жиҳатларини қамраб олади ва барча Ислом меъёрларининг асосидир. Шу сабабли, бу мақсадларни тушуниш ва улар Ислом ҳуқуқининг умумий тузилишига қандай алоқадорлиги мусулмонни диндаги оғишлардан ҳимоя қилади ва ундан қочиши лозим бўлган ҳаракатларни аниқлашни осонлаштиради. У муайян вазиятда нима устувор бўлиши кераклигини ва қандай ҳаракатлардан воз кечиш мумкинлигини билиб олади. Бундан ташқари, мўмин эркаклар, аёллар ва болалар учун шариатнинг афзалликларини аниқ англаши, шунингдек, «*Мақасид аш-Шариъа*» тушунчасига асосланган динга онгли равишда эргашиш бахти ва мамнунлигини бошдан кечириши мумкин бўлади.

Муаллиф ҳақида

МУСФИР БИН ОЛИ АЛ-ҚАҲТОНИЙ – Саудия Арабистоннинг Дахран шаҳридаги Қироли Фаҳд номидаги нефть ва фойдали қазилмалар университети ислом ҳуқуқшунослиги бўлимидаги Манбалар методологияси (Усулул Фикҳ) доцентидир.

Халқаро ислом тафаккури институтининг китобларининг кискача сериялари – бу институтнинг муҳим нашрларининг ихчам шаклда ёзилган, ўқувчиларга асл нусханинг энг муҳим мазмуни тўғрисида асосий тушунчаларни бериш учун яратилган қимматли тўпламидир.

Мақасид аш-Шариъани тушуниш, фикрини ислоҳ қилиш ва бу ислохотларни амалга оширишга, шунингдек, муқаддас матнларни тушунишнинг янги методологиясини ишлаб чиқишга қаратилган Ислом ҳуқуқининг энг олий мақсад ва вазифаларига жуда мос келадиган ҳуқуқий туйғуни ривожлантиришга чақиради. Муаллиф «*мақасиднинг*» турли даражаларини тушуниш, яъни Ислом ҳуқуқининг бирламчи мақсадларини «*ал-мақасид ал-аслийя*» (*al-maqāṣid al-aṣliyyah*) ва иккинчи даражали мақсадларини «*ал-мақасид ал-табиъа*» (*al-maqāṣid al-tābi'ah*) фарқлашнинг аҳамиятига эътибор қаратади. У шариат мақсадларини ҳақиқий тушуниш мусулмон жамиятларида ижобий гуманитар ва маданий ривожланишни рағбатлантириши керак, деб таъкидлайди.

Ушбу асарнинг асосий қиммати шундаки, муаллиф энг олий мақсад ва вазифаларни диний аҳкомларни чиқариш ва қўйиш (*ифто*) каби ҳуқуқнинг турли соҳаларига, шунингдек, бугунги кунда мусулмон жамиятлари олдида турган муҳим ижтимоий масалалар ва муаммоларга қаратади. Буларга мусулмон аёлнинг жамиятдаги ўрни, экстремизм ва заифлик муаммоси, шариатни суиистеъмол қилиш ва уни нотўғри ишлатиш, Исломий фикр инкирози ва диний қарама-қарши ҳолларга қарши туриш киради. Юқорида келтирилган муаммолар билан бир қаторда, кўпинча эътибордан четда қолган, лекин руҳий саломатлик ва ижтимоий фаровонлик учун муҳим бўлган масалалар, масалан, саломатлик ва дам олиш зарурати, шунингдек, эстетик кадрятлар ва уйғунлик ғояларини фаол тарқатиш ҳам кўриб чиқилади.